

Абдукодир Турдалиев

ГУЛНИ СЕВДИМ...

Шеърлар

“ФАРҒОНА” НАШРИЁТИ
НАЗОРАТ НУСХА

«Фарғона» нашриёти
2013 йил

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7 - *У.Б. араб.*
Т-87

А. Турдалиев

ГУЛНИ СЕВДИМ... : шеърлар / Турдалиев А.

- Фарғона : «Фарғона» нашриёти, 2013. - 32 б.

Табиат гўзалликларидан илҳомланиб сўз айтишининг завқи ўзгача. Абдуқодир Турдалиевнинг табиатга муҳаббат билан қалам тебратишини хуш кўриши яққол сезилиб туради. Бу самимий туйғу бошқа мавзулардаги шеърларига ҳам раволик, жўшқинлик бахш этади. Ҳазил жанрида ўз кучини синаб кўришга журъат қилгани эса ёш ижодкорнинг нияти жиддийлигидан далолатдир.



НО 41396


0

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-349-79-7

© А.Турдалиев – 2013

© «Фарғона» – 2013



ШОИРЛИК КОНИДА БОР

Абдуқодир Турдалиев 18 ёшида. Шу ёшида шеърний гулдаста тайёрлаш, китоб чиқариш таҳсинга лойик. Муболага эмас, унинг шеърлари, ғазалларини ўқиб тажрибали, ижод қозонида анчагина қайнаган ижодкор деб ўйлайсиз. Шоирлик Абдуқодирнинг қонида бор. Қисса ва ғазаллар жамланган “Девони Ғурбатий”, “Баёзи Мажрух”, “Одамохун” ва яна бошқа кўплаб китобларни мерос қолдирган таникли ижодкорлар - Умаржон Махдум Юсуфжон ўғли, Мулла Махмуджон Умаровлар авлодидан.

Қўлингиздаги “Гулни севдим” тўплами—Абдуқодирнинг биринчи китоби, илк қадами. Уни яна икки-учта китобга жам бўларли ижод намуналарини ўқиганман. Рост, шу ёшда бунчалар сермахсуллиги, сўз устида жиддий ишлаши, фикри тиник ва раволиги қувонарли. ўқувчи диққатини тортадиган ёрқин ташбеҳлари кўп.

“Қанча жонлар пулни деб
Қадок қилар қўллини.
Қайдан топдинг қўз қисиб.
Пул топишнинг йўлини”

деб ёзади, масалан, «Суратқаш» шеърда. Ёш шоирнинг ҳажвга, юмрга мойиллиги бор. Устоз Анвар Обиджоннинг ним кулгу назмларига жуда яқин сатрлари бир талай.

Келажакда Абдуқодир Ёзёвонимиз фарҳи, етук шоири бўлиб танилишини истаб қоламиз.

*Малик Бой Мухаммад,
Ўзбекистон журналистлари ижодий
ушмаси аъзоси*

ДОСТОНЛАРИ БОР ЎЗБЕКНИНГ

Мустақилликнинг йигирма бир йиллигига

Аждодлардан мерос қолган азиз макон,
Алломалар қони эрур Ўзбекистон,
Навоийдир сўз мулкида тенгсиз султон,
Усмон Носир, Чўлпонлари бор Ўзбекнинг.
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

Авлодларга суянгувчи тоғи қолди,
Илм-у хунар, маърифатдан боғи қолди.
Бобур Мирзо юрагида доғи қолди.
Қалба ўчмас армонлари бор Ўзбекнинг,
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

Баракали дастурхонда тўкин неъмат,
Асалдан-да ширинроқдир бунда фарзанд,
Азалдан нон шаҳри бўлган азим Тошқанд,
Ойпатир, обинонлари бор Ўзбекнинг,
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

Меҳмондўстлик камарини тақиб зардан,
Ассаломдан бошлар сўзни энг аввалдан,
Дилкашликда ҳеч қим ўтмас ушбу халқдан,
Чин меҳмондўст инсонлари бор Ўзбекнинг,
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

Улар борқи, тинч юртимиз сарҳадлари,
Қамол топгай озод элда дилбандлари,
Ушалгайдир қалба орзу, мақсадлари,
Юртга содиқ қосбонлари бор Ўзбекнинг,
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

Асрлардан омон ўтди Ўзбек боши,
Синовларга қалқон бўлди халқ бардоши,
Истиклолдан йиғирма бир бўлди ёши.
Яна саксон, тўксонлари бор Ўзбекнинг.
Тилдан тушмас дostonлари бор Ўзбекнинг.

РОЗИ ҚИЛАЙ

Атрофимда яхши, ёмон,
Мен талпиннай қайси томон.
Сарсон қанча кўнгли ярим,
Юрагини тирнар армон.
Оташ кўллар бошим силар,
Ўзим ғамнок юзин силай.
Сен ўзгани рози қилгин,
Мен онамни рози қилай.

Гўзаллар бор сурма сурган,
Улар дардим кўролмайди.
Онажоним менга берган
Муҳаббатни беролмайди.
Юрганида пойидаги
Поёндози ўзим бўлай.
Сен санамни рози қилгин,
Мен онамни рози қилай.

Ажаб, бир зум кўнглим олар,
Чамандаги хушбўй иффор.
Димокларда мангу қолар
Мушки анбар қайларда бор.

Махкам кучиб ганиматим,
Ҳидларига тўйиб олай.
Сен атторни рози қилгин,
Мен онамни рози қилай.

Гар балолар келса бошга,
Қадахлардан олмасман касд.
Тилка бағрим бериб тошга,
Юрмагайман маст-у аласт.
Оғзимдаги қолиб кетган
Оқ сутидан сармаст бўлай.
Сен соқийни рози қилгин,
Мен онамни рози қилай.

Дармон эрур айтган сўзи,
Кетказар қалб доғларини.
Зора мендан бўлса рози,
Кезсам жаннат боғларини.
Икки дунё саодатин
Тилай, факат унга тилай.
Сен дунёни рози қилгин,
Мен онамни рози қилай!

АТИРГУЛИМ

Сармастдирман гул баҳридан,
Илҳомимга чўқди дилим.
Ғунча бўлиб ер бағридан
Чиккан гулим, атиргулим.

Ранги алвон, нафис, тоза,
Лолалар олган андоза,
Латофати ҳар чечакка
Юқкан гулим, атиргулим.

Қарамасдан ўнг-сўлимга.
Сени тутдим ёр қўлига,
Олов бўлиб, дилларга ўт
Ёккан гулим, атиргулим.

Кўйгин, санчма тиканларинг,
Тиканларинг – мужгонларинг,
Кўз остидан ишва ила
Боккан гулим, атиргулим.

Шабнам қўнган япроғингга,
Султондирсан сен боғимга.
Ифорлари дарё бўлиб
Оккан гулим, атиргулим.

Гуллар ичра танҳо ўзинг,
Чаманларда пошшо ўзинг.
Ўзинг ошиқ юрагимга
Хокон, гулим, атиргулим.

ЯЛПИЗ КУЙИ

Ойдин тун кўйнида, арик бўйида,
Ялпизлар япроғин ўйнатар шамол.
Шивирлаб хар мунгли айтган куйида,
Ажиб бир ҳикматни хис қиламан лол.

Дил яйрар, унда бир титрок уйғонар,
Туб-тубидан тошар ёкимли туйғу.
Шаркираб юракнинг губорин ювар,
Ариқда шаркирок, мусаффо бир сув.

Ойнинг ой юзига сув бўлиб кўзгу,
Ялпизлар куйига шамол бастакор.
Бу ойдин кечанинг асл файзи - шу.
Бу файздан илҳомлар олмаслик бекор.

Шамол яна эсар, яна ялпизлар.
Тўхтамай, шивирлаб мунгли урар оҳ.
Юракларда кезар ёкимли хислар,
Ҳисларимга машшок ялпизлар гувоҳ.

Само этагида чақнар юлдузлар,
Ойдин тун кўйнида топишар ором.
Шамолда ўйнаган машшок ялпизлар
Куйлашар: Ойдин тун бўлсин бардавом.

СИНФДОШ

Кўлинг бериб кўлимга,
Доим бўлдинг чин сирдош.
Ўзинг якин кўнглимга,
Сен яхшисан, синфдош.

Мени хафа қилсанг ҳам,
Мендан хафа бўлсанг ҳам,
Мазах қилиб кулсанг ҳам,
Сен яхшисан, синфдош.

Баъзида уруш, талаш.
Баъзида ранжли караш,
Охири бўлдик яраш.
Сен яхшисан, синфдош.

Шод айладинг дилимни,
Бирга олдик билимни,
Сир сакладинг сиримни,
Сен яхшисан, синфдош.

Кулиб кўнглим олгувчи,
Дилга қувонч солгувчи,
Мангу ёдда колгувчи
Сен яхшисан, синфдош.

Хаёт гўзал, деймиз-у...
Гоҳо шодлик, гоҳ қайғу,
Сен билан кулар кулгу,
Сен яхшисан, синфдош.

Қалбимиз қордек оппок,
Ранжима мандан, ўрток,
Мудом бўлайлик инок,
Сен яхшисан, синфдош.

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

Дўстлар даврасида ўтар ҳар куним,
Қувончга кўмилиб, шодликка тўлиб.
Тинмайин уларга ошиқар кўнглим.
Шу кунлар қолсайди абадий бўлиб.

Баъзида ўзимга ҳавасим келар,
Мендай бахтли инсон яна қайда бор.
Ҳаёт ҳар онимни шодликка белар,
Умр бўйи қолсам шундай бахтиёр.

Дўстларим кетмаса ёнимдан йироқ.
Кетмаса ҳаётнинг ширин лаҳзаси.
Улар ёнимдадир. мен билан, бироқ.
Қалбимда соғинчнинг асл нусхаси.

Дийдорлар чорлайди очгандай кучоқ,
Ҳар куни интиқман шўх овозларга.
Ростгўй дўстларимни, айтингиз, қандоқ,
Алмашай қандайдир ваъдабозларга.

Асли, ким дўст учун жон кечиб ўлган,
Майли, чин дўст учун мен фидо бўлай.
Яхши-ёмон кунда ёнимда бўлган,
Коримга яраган дўстан ўргилай!..

БУ ҲАЁТ...

Интилганга жаннат бу дунё,
Интилганга кулади омад.
Ношукурга жаннат бир рўё,
Ёр бўлмайди на толе, на бахт.

Юрганлар бор, оксаганлар бор,
Пашшадан фил ясаганлар бор.
Ёмонликдан ўзини хушёр,
Қалбларини асраганлар бор.

Ким дунёда захмат тортмаган,
Алам билан дўстлашмаган ким.
Ким тўшакда бемор ётмаган,
Ким юракка бўлолгай ҳаким.

Гарчи, шунча бурро тилимиз,
Нега доим ёлғонни сўзлар.
Тилимизга чикмас сиримиз,
Айтиб қўяр ўйноки кўзлар.

Бир текисда эмас бу ҳаёт,
Доим омад келмайди, афсус.
Нонимиз бут, умримиз обод,
Алдамчилар бўлса-да хануз...

Ичимизда оксаганлар бор,
Пашшадан фил ясаганлар бор...

ИЛҲОМ ҒАНИМАТ

Чирок ўчса - шам ҳаёт,
Бутун олам осуда.
Бунда уйғоқ чин ижод,
Бошқалар-чи уйқуда.

Факат кўринар коғоз,
Ҳамда қалам сояси.
Ёнар қалбда зўр ихлос,
Уйғоқ шоир ғояси.

Шам илҳомдир, шам – неъмат,
Юрагингга осиб ол.
Кейин илҳом ғанимат,
Улгурганча ёзиб ол.

Мана, бўлди ярим тун,
Кўзга келмайди уйқу.
Илҳом асло олмас тин,
Келар бўп - ширин туйғу.

Кўрингиз бу кумрини,
Шоир дарди бедаво.
Шам-чи, ярим умрини
Яшаб бўлди, ажабо...

Йиғлатмагин, шундок хам,
Кўзёши тошдай котган.
Сенинг каби боши - хам,
Уйқусини йўқотган.

Пуфла, четга сур уни,
Сен ҳам бироз ором ол.
Шамнинг ярим умрини
Эртангига сақлаб кол.

Чирок порлади бирдан,
Жўшкин илҳом ўлди-ку.
Зарра афсус йўқ бундан,
Шеър ёзилиб бўлди-ку.

Шамни ўчириб, шу чок,
Тез ўрнимга ётаман.
Яна эртага чирок
Ўчишини кутаман.

ОЛТИН БОЛАЛИК

Асли нима болалик?
Зарлар билан қурилган,
Истаганинг ижобат,
Минг орзуга йўғрилган.

Муҳташам бир саройми?
Ичра мен бир пошшоман.
Пошшоман ва шодонлик,
Қувонч билан ошноман.

Бошимда бир ғамим йўқ,
Кўпим бор, лек камим йўқ.
Мен юраман ўйноқлаб,
Бахтим тўқ, мотамим йўқ.

Хар бир лаҳзам ошиён,
Нафасимда бор сеҳр.
Атрофимда – гул, алвон,
Улар алвонмас, меҳр.

Онагинам бағрида
Қолиб кетди болалик.
Шўх онларим бағримдан
Олиб кетди болалик.

Сендан қолди, олтиним,
Фақат – ширин хотира.
Эслагайман бетиним,
Ёддан ўчмайсан сира.

Умрнинг чархпалаги
Айланса гар орқага.
Уйламай, ҳеч бўлмаса,
Қайтардим бир мартага.

Афсус, йўқ вақтга даво,
Ўтаверар тўхтамас.
Ҳеч бир даврим, ажабо,
Болаликка ўхшамас.

Асли шудир болалик –
Инсон учун бир жаннат.
Ширин онларинг учун,
Болалик, сенга раҳмат.

Шодлигимни бағримдан
Олиб кетди болалик.
Онагинам бағрида
Қолиб кетди болалик.

ШЕЪР ВА ШЕР

Асл инсон туяр сўзнинг завқини,
Бир бўгин жумлада маънолар бисёр.
Гоҳо унутамиз сўзлар фарқини,
Шеърни шер шаклида ёзамиз такрор.

Шерда нима қилсин ташбеҳ ва турок,
Ҳайбати кимгадир улашар илҳом.
У яшар ўрмонда бизлардан йирок,
Шеърлар қалбимизда яшагай мудом.

Шеър, албат, қоғозда қолдирар изин,
Шоир қаламидан туғилмайди шер.
Бизлар унутамиз тутук белгисин,
Балки, унутмасди Ҳазрат Алишер.

БАҲО

Керак эмас менга беш баҳо,
Не шикоят илм бор жойда.
Беш олганлар бўлмайти даҳо,
Асли, уқиб олгандан фойда.

Бу дамларнинг стиб қадрига,
Ялқовликни, кел, қилайлик бас.
Беш кетмагин қизлар қаддига,
Баҳо бериш сен учун эмас.

Дунё ахлин кўзлари мушток,
Кўргай ҳали минг бир даҳони.
Биздан керак – фақат иштиёқ,
Ҳаёт қўйгай асл баҳони.

АРЗИНГИЗГА

Гўё ёзганларим сароб туюлар,
Севгидан даъволар киласиз баъзан.
Ахир, барча шоир севгини куйлар,
Сен ҳам ишқдан куйла, магар шоирсан.

Наҳот, вафолилар кўпми шунчалар,
Наҳот, алдамайди бу шахло кўзлар.
Тилидан бол томар лаби ғунчалар,
Билмам, эртага қай вафодан сўзлар.

Қалбимда жўш урар ўзга бир тилак,
Биринча опам булсин, бириси сингил.
Улар ҳар кун кўяр қўлларига лак,
Аммо мен уларга қўёлмам кўнгил.

Сизлар ёнмай туриб хижрон ўтида,
Севгидан даъволар қиляпсиз бу дам.
Тиканлар бисёрдир унинг йўлида,
Муҳаббат боғига қўймасмиз кадам...

АБИТУРИЕНТ


(Дўстларимга)

Интилганга толе ёрлир, хам омад ёр,
Хаёлимиз ололмайти хеч бир дилдор,
Апил-тапил ҳаракатлар қилмайти қор,
Ўтса-ўтсин, илм истаб тунлар бедор,
Бир ўткинчи ҳислар таниш, кизлар бекор.

Дам ғанимат, бундан ўзга дамим йўқдир,
Сабоғим кам, бундан ўзга камим йўқдир,
Фақат, ўқиш ундан ўзга ғамим йўқдир,
Ўтса-ўтсин, илм истаб тунлар бедор,
Бир ўткинчи ҳислар таниш, кизлар бекор.

Мен ўқийман, бор дунёни унутаман,
“Ҳаёт-мамот” кунларини зор кутаман,
Омад чопса, устозларга гул тутаман,
Ўтса-ўтсин, илм истаб тунлар бедор,
Бир ўткинчи ҳислар таниш, кизлар бекор.

Қани энди, тез талаба бўлиб қолсак,
Савоб экан – муаллимни ёдга солсак,
Иншооллоҳ, ўқишларга кириб олсак,
Ўтса-ўтсин, кизни истаб тунлар бедор,
Ҳислар таниш, лек бўлмагай дарслар бекор.



ҒАЗАЛЛАР

Серқуёш юрт, она халким, хар кунинг бўлсин базм,
Ҳар дакика кулса бахтинг, шунда кулгай оразим.

Ўхшашинг дунёда йўқдир, ўхшашинг- Дорус- салом,
Кўрсатур жаннат қиёфанг хар томон солсам разм.

Ким бўлубдур кенг жаҳонга якка султон, подишоҳ,
Сен ўзингсан олам ичра энг улуғ, ҳам энг азим.

Биз Темур авлодидирмиз, юртга содик тоабад,
Қарши бордир қаршиларга, қай рақиб этмиш жазм.

Истасанг сайру саёҳат, борма харгиз Чинга сен,
Кетма олис, қил зиёрат-Марғилон-у Хоразм.

Абдуқодир битди ашъор, битмагига шул сабаб-
Не учунким, ўзбегимни маҳдиё этмиш назм.

Ғазал бўстони кезмок экан даркор баробар,
Бўлолма мен ғазал султониға, зинҳор, баробар.

Кириб окшом, фалак узра сочилди неча анжум,
Тулин ой шуъласинда бўлдилар бедор баробар.

Кўринмас сийрат-у руҳи солар бошингга кулфат,
Кўрингай кўзга хар дам дўст ила агёри баробар.

Қуйибсан кўп кетиб обрў, қолибсан эътибордин,
Яратган хар қулига айлагай наззор баробар.

Эгик мискин дили покдир, ғанийнинг қадди шамшод,
Қиёмат кун бўлур бешак ғаний-ю зор – баробар.

Бу кун илк бор ҳавас бирлан зиёрат этдим аруз,
Магар соз бўлмаса битгум таки такрор, баробар.

* * *

Олай таскин, чалай бир зум, дуторим қайда, қайда,
Куйимга жўр бўлувчи дўст-у ёрим қайда, қайда.

Кезиб боғлар, тополмасман, унингдек гулгун ораз,
Лаби – гунча, юзи – олма, анорим қайда, қайда.

Тушимдан кетмайин бир дам, тунимни айлади кун,
Қилур ишва ўриб сочин нигорим майда-майда.

Келур фурсат, азал дийдор ғанимат айла ташриф,
Азиз дўстим, кучиб, холинг сўрорим қайта-қайта.

Адо бўлмай, факир бошга мусибат солмасин ишк,
Худоё, тез кўнгилдан бу ғуборим хайда, хайда.

Даста-даста гул тутиб, гулсиз қолишдан асрасин,
Ахдда турмас бевафодан хун олишдан асрасин.

Бокмагин минг бир балода колмасин ҳеч бошимиз,
Бир ғуборсиз ёт кўнгилга ўт солишдан асрасин.

Кипригинг пайкони ўқдир, минг сипоҳни ўлдирур,
Ул бориб вайрона дил бағрин тилишдан асрасин.

Гулласин гулзор-у боғлар, умримиз бўлсин баҳор,
Келмайин барги хазонлар, бунда кишдан асрасин.

Кел атайлаб, суҳбатингдан нурга тўлсин хонамиз,
Дўст дилин вайрон қилишдек мушкул ишдан асрасин.

Отамиз қадри буюқдир, онамиз бўлсин ризо,
Ахдимиз шу, ўзга ўтда ёқилишдан асрасин.

Хар кишининг сўзи лофдир икки дунё йўқ нажот,
Келмасин бош узра ханжар ё қиличдан асрасин.

Дилда йўқдир ҳеч гина, лек тилда бор сўнгги калом:
Биз фақирни ўзгалар иғво қилишдан асрасин.

Шубҳасиз, ошиқ дилимга доимо даркор ишонч,
Иштибоҳлар тушса дилга, шул замон бекор ишонч.

Бевафолик қилма, ёро, бор хаёлим сендадир,
Менда бор хар дам вафо, лек сенга йўқ, дилдор, ишонч.

Мисли оташ кўзларинг ҳажрида ёнган мен ўзим,
Куйди, кул бўлди таним, ҳеч бўлмасин абгор ишонч.

Дейдиларки: барча жонон айлагай жабр-у жафо,
Сенда ҳам жабр-у жафо кўп, менда ҳам бисёр ишонч.

Минг гумонда ёнма, ёрни бевафо деб ўйлама,
Куйганинг ёлғон эзур, билдирмасанг бир бор ишонч.

ТАЛАБА ЙИГИТЛАРГА

Давр-у даврон меники деб,
Даврин сурар талаба.
Қачон кўрма, кизлар билан
Бирга юрар талаба.

Ўтган-кетган кизга бокиб,
Юрагига ўтлар ёқиб.
Бирин кўрса, жигаридан
Тезда урар талаба.

Қизларга ҳам ўртокдайин,
Севгисини пайпоқдайин,
„Алмаштириб“, бошқасини
„Севиб кўрар“ талаба.

Сўрасалар ёниб-ёниб,
Ундан тониб, бундан тониб,
Севмайман, - деб дўстларига
Кўкрак керар талаба.

Сўз очмангиз илм-у фандан,
Жўшиб, жони чикар тандан,
Гап мавзусин муҳаббатга
Дарров бурар талаба.

Ўқиш курғур бир баҳона,
Келишдан мақсад ягона –
Устоз қолиб кизлар билан
Сухбат қураб талаба.

ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР

Отаси бор уйнинг файзи бўлакча,
Онаси бор уйдан ғурбатлар йирок.
Бўлса бас - тўрт девор, бир кичик токча,
Қалбимизда иймон унга шамчирок.

* * *

Етим ўсди фариштадай мисоли,
Ва эшитди эркатоилар нағмасин.
„Гар шу бўлса бахти бутлар аҳволи,
Оллоҳ мени етимликдан қўймасин“.

* * *

Эшик такиллар, шу дам
Шошиламан очмакка.
Келди отам ва онам,
Ҳамда файз-у барака.

* * *

Гоҳо якин, гоҳо бўлиб йўлим йирок,
Борлигингга шукроналар айтдим, уйим.
Неча-неча кошонани кўрдим, бирок,
Сени кўмсаб, яна сенга қайтдим, уйим.

Билолмайман, қай бурчагинг мени тортар,
Гўё, сенда мангу яшар руҳим бордир.
Кундан кунга кенг дунёга меҳрим ортар,
Тор эмассан, балки сендан дунё тордир.

* * *

Умр ўтар ажиб хилкат пинжида,
Барчамизга ҳар куни бахт кулади.
Факат, оддий инсонларнинг ичида
Оддий инсон бўлиб қолгим келади.

ГУЛНИ СЕВДИМ

Гулларга ийманиб, гулдайн ўсдим,
Яшнасин, чаманзор атрофин тўсдим,
Сен-чи, бевафога алдандинг, дўстим,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Дўст десам, чаманим кезиб кетибсан,
Ўстирган гулларим эзиб кетибсан,
Энг севган гулимни узиб кетибсан,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Гулимдан қолмабди ҳаттоки тикан,
Сени дўст атайми, ё атай душман,
Бизга мард-у майдон бўлсинму чаман?
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Гулимни Гулига тутибсан пинҳон,
Азадор ўзимман, бунда чиқар жон,
Аслида сен қотил, менинг қўлим қон,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Сен сабаб чаманда битта гулим кам,
Қотил қўллариңдан тутаман маҳкам,
Ўртада андалиб бўлади ҳакам,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Вафо килмас сенга беор, бесубут,
Чаманда борини, майли, бориб тут,
Узатган гулларинг бўлади нобуд,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Алданган дўстгинам, недир талабинг,
Энди не демокка кимирлар лабинг,
Менинг боғим пайхон, сенинг-чи қалбинг,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

Мингта Гулилардан гулим азизрок,
Чаманда мингта гул унмокка мушток,
Кел, бирга уларни севамиз, ўрток,
Сен Гулини севдинг, мен гулни севдим.

АРМОН ҚОЛМАСИН

Кимларгадир ёлгон яхши,
Сўзлар бордир ёмон, яхши,
Яхши сўзлар – кўнгил накши,
Тилда қолмасин армон.

Юрак ўзи жўшқин дарё,
Тошсин, майли, тошқин дарё,
Сирдарё-ю Амударё,
Нилда қолмасин армон.

Барчадан зўр шер экан,
Мен пошшоман дер экан,
Шерларга сув пуркаган
Филда қолмасин армон.

Юзинг – олов, кўзинг – олов,
Лек сочингга кўнган киров,
Бўлса бўлар умрингга ғов,
Қилда қолмасин армон.

Яхши – ёмон ўтар бир-бир,
Тўрт кундаинн ўтар умр,
Тўрт фаслдан олгин хузур,
Йилда қолмасин армон.

Ҳаёсизга вафо армон,
Вафосизга хаё армон,
Кўнгли торга дунё армон,
Дилда қолмасин армон.

АЁЛ

(Бувимга)

Боринг аямадинг киз-у ўглингдан,
Ўзингни унутиб бунча гам ейсан.
Кўйгин набирангни, кўйгин кўлингдан,
“Ўригидан мағзи ширинрок” - дейсан.

Умрлар ободдир сен бор туфайли,
Дунёнинг шодлиги кўзингда қолсин.
Бир кам қирк жонингни фидо эт, майли,
Фақат битта жонинг ўзингда қолсин.

ОШ БИЛАН...

Бу ҳаётда инсонга
Не ўзидир бахт деган?
Нима учун ўзбекнинг
Ош егани, ош еган?

Ўтди қанча замонлар
Бир тан-у жон—ош, қозон.
Наҳот, ошхўр ўзбекка
Қерак эмас ошқозон.

Ўзбек бўлсанг, эй йигит,
Ўчокка ўт қалаб қўй.
Тугаса ош, лаганнинг
Ёгини ҳам ялаб қўй.

Нима учун ўзбекнинг
Ош егани, ош еган?

Нахот, ошхўр ўзбекка
Шумикан ё бахт деган?

Ош билан бўл ошино,
Билинмас кам-кўстлар ҳам.
Агарда ош бўлмаса,
Йиғилмайди дўстлар ҳам.

Эр йигитга шиордир
“Олинг”, “қани-қани”лар.
Асли, асл эркаклар
Ош ейишда танилар.

Йўк, бу асло нафс эмас,
Бу Худонинг бергани.
Шунинг учун ўзбекнинг
Ош егани, егандир..

ДАДАЖОН

Муаттар қиз номидан

Муштдеккина юрагимда минг ғалаён, дадажон,
Бу кун сизга дардларимни айлай баён, дадажон.
Гоҳо ғамгин, гоҳо шодман, аммо дардим ичимда,
Барн-менга, Яратганга, сизга аён, дадажон.

Сизни эслаб кулган чехрам маъюс бўлиб колмоқда,
Меҳрибоним, бардошлигим-онам колди фироқда.
Юрак ушлаб жон берибсиз уйимиздан йироқда,
Ўлим олди сўзларингиз бизга армон, дадажон.

Мард эдингиз, олдингизда мардларнинг энг зўри-бўш,
Кўзларимга дунё бўм-бўш, ўксик калбим кўри бўш,
Гар жам бўлсак дастурхонда, уйимизнинг тўри бўш,
Онам бир ён, опам бир ён, ўзим бир ён, дадажон.

Ўсиб, униб ойдек ёруғ юз бўламан, албатта,
Онамга ва сизга лойиқ киз бўламан, албатта,
Иншооллоҳ, охиратда учрашамиз жаннатда...
Илло, ётган ерларингиз бўлсин бўстон, дадажон.

АДАШ

Биламан, сен учун бўлмасман унут.
Ўхшаш ўйларимиз, бир хил исмимиз.
Аммо ўртамызда кўндир тафовут,
Ҳар хил бўйларимиз, ҳар хил жисмимиз.

Кўшнимсан, қариндош, тутинган акам,
Ё буткул етти ёт, бегона менга.
Бизни яратди-ку бир номда эгам,
Сени ўзимдайин суймайин нега?

Адашим, мен сенга адаш бўлсам-да,
Исмингга душманлик қилмадим ҳеч вақт.
Иккимиз кўл бериб кўришган дамда,
Адаш – деб кулишинг мен учун бир бахт.

Балки, бизда йўқдир тенгсиз аҳиллик,
Дилимда заррача йўқдир эътироз.
Аён бир ҳақиқат – ушбу бир хиллик,
Гоҳи наф, гоҳида панд бергани рост.

Бировлар чорласа исмимиз айтиб,
Бирга талпинамиз, сенсан ягона.
Мен-чи, ярим йўлдан келаман қайтиб,
У сенинг танишинг менга бегона.

Ҳануз эгасимиз бир тан, бир жоннинг,
Бирок битта тана бўлолмас икки.
Майли, ёмонлайвер бари инсонни,
Мени ёмонлама, исмим сеники.

Сўзларим сўнгида тилагим нақдир,
Бўлмасин ўртада нафрат ва алдаш.
Ўхшашлик ўзи бахт, адашлик бахтдир,
Бахтимга омон бўл, кадрдон адаш!

СУРАТКАШГА

Фурсатинг бор, вақтинг бор,
Вақтдан унар нақдинг бор.
Биродарим сураткаш,
Ҳеч кимда йўқ бахтинг бор.

Қанча жонлар пулни деб,
Қадок килар кўлини.
Қайдан топдинг кўз кисиб,
Пул топишнинг йўлини.

Санамлар мисли кесак,
Билолмадик таъбини.
Кўзи тушса кўз киссак,
Буришади лабини.

МУНДАРИЖА

Шоирлик конида бор.....	3
Достонлари бор ўзбекнинг	4
Рози килай.....	5
Атиргулим.....	7
Ялпиз куйи.....	8
Синфдош.....	9
Дўстлар даврасида.....	10
Бу ҳаёт.....	11
Илҳом ғанимат.....	12
Олтин болалик.....	13
Шеър ва шер	15
Баҳо.....	15
Арзингизга.....	16
Абитуриент.....	17
Серкуёш юрт.....	18
Баробар.....	18
Дуторим қайда	19
Асрасин.....	19
Ишонч.....	20
Талаба йигитларга.....	21
Ҳаётини лавҳалар.....	22
Гулни севдим	23
Армон қолмасин.....	25
Аёл (бувимга)	26
Ош билан.....	26
Дадажон.....	27
Адаш.....	28
Суратқашга.....	29

Адабий-бадиий наир

Абдуқодир Турдалиев

ГУЛНИ СЕВДИМ...

Шеърлар

Муҳаррир: А. Содиков
Тех. муҳаррир: Н. Ҳошимов
Дизайнер: М. Ҳошимов

Нашриёт лицензияси: А.1.№ 162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 21.02.2013. Босишга рухсат этилди:
30.04.2013. Бичими: 84x108 1/32. Офсет усулида чоп
этилди. «Times New Roman» гарнитураси. Нашриёт
босма табоғи: 2,0. Шартли босма табоғи: 2,75.

Адади: 500 дона. Буюртма № **899**

«Фарғона» нашриёти
Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

«ПОЛИГРАФ-ПРЕСС» МЧЖ босмаҳонаси.
Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «б» уй